

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИНИНГ ОНЛАЙН САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилишида ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлат раҳбари сифатида иштирок этди.



Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигида видеоанжуман шаклида ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Республикаси Президенти

Александр Лукашенко, Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ҳузуридаги кузатувчи

мамлакат — Куба Республикаси Президенти Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Михаил Мясникович ҳам қатнашди. Йиғилиш кун тартибидан ЕОИИ ма-

конда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, шу жумладан, иқтисодий, савдо, sanoat, транспорт ва бошқа йўналишларда амалий

шерикликни мустаҳкамлаш масалалари ўрин олди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқининг аввалида Қирғизистон ЕОИИга раисликни фаол амалга ошираётгани, бу ташкилот

доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Садир Нурғожоевич! Хурматли делегациялар раҳбарлари! Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишининг барча иштирокчиларини кутлашдан мамнунман.

Ҳамкасбларимнинг сўзларига қўшилган ҳолда, хурматли Садир Нурғожоевичга ушбу учрашувимизни ташкил этгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Қирғизистоннинг ЕОИИдаги фаол раислиги мамлакатларимизнинг Евроосиё бирлашмаси доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонаман.

Хурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон кузатувчи давлат сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан шериклик муносабатларини ривожлантиришни давом эттирмоқда. Бу биз учун жуда муҳим йўналиш, чунки ЕОИИ мамлакатлари табиий ҳамкорларимиздир.

Биргаликдаги саяё-ҳаракатлар билан пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш ва мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигида ижобий суръатни таъминлашга муваффақ бўлганимиз бизни қувонтиради.

Хусусан, Ўзбекистоннинг бирлашмага аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йил якунларига қўра 30 фоизга, жорий йилнинг биринчи тўрт ойида эса яна 33 фоизга ошди.

ЕОИИ мамлакатларидан жалб қилинаётган инвестициялар йилга қарийб 25 фоизга кўпаймоқда.

Шу билан бир қаторда, дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар ва инқирозли ҳодисалар мамлакатларимиз барқарорлиги учун жиддий хатардир.

Глобаллашув даври янги жаҳон тартиб-ишқларини босқичига ўтмоқда.

Илгари кузатилмаган миқёсдаги чеклов чоралари киритилаётгани, маҳсулотлар етказиб беришнинг логистик занжирлари ва кооперация алоқалари узилаётгани, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўсаяётгани, ижтимоий кескинлик кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Юзага келган вазиятда умумий саяё-ҳаракатлар билан биргаликдаги чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, ноода-тий ечимлар топиш ва ҳамкорлиқнинг ностандарт механизмларидан фойдаланишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бугун савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитларни шакллантириш вазифаси ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдода техник тўсиқларни бартараф этини давом эттириш ва сертификатлаштиришни тан олиш товарларнинг бозорларимизга кириб боришини анча соддалаштириш имконини беради.

Шу маънода, озиқ-овқат ва хомашёни четга чиқариш бўйича чекловлар Ўзбекистонга нисбатан татбиқ этилмаслиги масаласида бизни қўллаб-қувватлашларига ният қиламиз.

Шунингдек, биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали агросаноат кооперациясини кенгайтиришнинг муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ишлар натижадорлигини ошириш учун Агрокооперация дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ушбу дастур бозорларимизни кафолатли тўлдириш мақсадида ЕОИИ мамлакатларида дон ва мойли экинларни биргаликда етиштириш ҳамда мева-сабзавот экинларини, шу жумладан, уларнинг эртапишар навларини Ўзбекистонда етиштириш масалаларини қамраб олиши мумкин. Айни пайтда дастурни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, мамлакатларимиз ҳудудларининг салоҳиятини ишга солиш мақсада-да мувофиқ.

Янги хавф-хатарлар муқобил транспорт йўлакларини янада ривожлантириш, Жануб ва Шарқ йўналишларида транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Энг яқин вақтда Осиё-Тинч океани минтақаси бозорларига чиқиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини қуриш лойиҳасини амалий рўёбга чиқаришга киришишни режалаштирмоқдамиз. Ушбу йўл Шарқ — Ғарб йўналишида мавжуд темир йўл магистралларининг имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан бир қаторда, биз Жанубий Осиёга ва унинг 2 миллиард истеъмол-

чиға эга бозорига чиқиш учун энг қисқа йўлни таъминлайдиган Термиздан Покистоннинг Пешоваригача трансфвон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш борасида ЕОИИдаги шерикларимиз билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Бундан ташқари, мамлакатларимизнинг инновацион салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳамда sanoat кооперациясининг янги шакллари, энг аввало, юқори технологиялар соҳасида ривожлантириш тарафдоримиз.

Тошкент шаҳрида “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро sanoat кўргазмаси ўтказилгани бу борада биринчи амалий қадам бўлди. Унинг ишида бирлашма мамлакатларининг мингдан зиёд компанияси иштирок этди. Биз ушбу муҳим майдонни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Шу мақсадда, энг аввало, кимё, фармацевтика, машинасозлик, ускунасозлик, электроника соҳаларида кооперация алоқаларини рағбатлантириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Бунда янги компетенцияларни шакллантираётган илмий-тадқиқот институтлари ва технологик марказлар имкониятларини ишга солиш муҳим.

Мамлакатларимизда меҳнат миграцияси ва мутахассислар ҳаракати билан боғлиқ масалалар долзарблиги ортмоқда. ЕОИИга аъзо ва кузатувчи мамлакат-

лар иқтисодиётларининг тез ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ меҳнат ресурсларини самарали жалб қилиш имконини берадиган зарур ҳужжатларни қабул қилиш ва соддалаштирилган тартиб-таомилларни қабул қилишни таклиф этамиз.

Пандемия оқибатларини енгиб ўтиш шароитида туризм соҳаси иқтисодий тараққиётнинг табиий драйверига айланиши мумкин. Йил бошидан буён Ўзбекистонга, биринчи навбатда, ЕОИИ мамлакатларидан туристлар оқими сезиларли ўсаяётганини кузатишмоқдамиз.

Жорий йил кузида Ўзбекистонда етакчи компанияларимиз иштирокида Туризм индустриясини ривожлантириш форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги йўловчи транспорт қатновини тўлиқ ҳажмда тиклаш масаласини ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир.

Хурматли саммит иштирокчилари! Сўзимнинг якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга интилиши қатъий эканини яна бор тасдиқламоқчиман.

Бугунги учрашув натижалари кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимизда барқарор иқтисодий ривожланиш ва фаровонликни юксалтиришга хизмат қилишига ишонаман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

Конференция

ХОТИН-ҚИЗЛАРДА ЛИДЕРЛИК КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан Тошкент давлат иқтисодий университети, тегишли вазирлик ва идоралар

билан ҳамкорликда ташкил этилган конференция хотин-қизларда лидерлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш илмий-амалий асосларига бағишланди.

Олий Мажлис Сенати XXVI ялпи мажлисида

бир қатор қонунлар, жумладан, қуйидагилар муҳокама қилинади:

- “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги;
- “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги;
- “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги;
- “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги;
- “Гиеҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида”.

Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари таҳлил этилади:

- иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар;
- интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоялаш масаласи.

Шунингдек, ушбу масалалар кўрилади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисини тайинлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш;
- Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИНИНГ ОНЛАЙН САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Биргаликдаги саяй-ҳаракатлар билан пандемиянинг салбий оқибатлари юмшатишга ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликда иккуний сурбат таъминланаётгани таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан товар айирбошлаш ҳажми 2021 йилда 30 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 33 фоизга ошди. ЕОИИ мамлакатларидан жалб қилинаётган инвестицияларнинг йиллик ўсиши қарийб 25 фоизни ташкил этмоқда.

Дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар ва мамлакатларимиз барқарорлиги учун жиддий хатарга айланган инқи-

розли ҳодисаларни қайд этиб, Ўзбекистон раҳбари биргаликда ечим топишни тақозо этаётган энг долзарб вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Президентимиз Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасидаги савдода техник тўсиқларни бартараф этишни давом эттириш ва сертификатлаштиришни ўзаро тан олишга қарқирди. Бу товарларнинг бозорларимизга кириб боришини анча содда-лаштиришга хизмат қилади.

Биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали агросаноат кооперациясини кенгайтириш алоҳида долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бу борадаги натижадорликни ошириш

мақсадида ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштиришни назарда тутадиган Агрокооперация дастурини ишлаб чиқиш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси муқобил транспорт йўлакларини янада ривожлантириш ҳамда Жануб ва Шарқ йўналишида транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш зарурлигига эътиборни қаратди. Шу муносабат билан Осиё-Тинч океани минтақаси бозорларига чиқиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни тез фурсатда бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Термиз шаҳридан Покистоннинг Пешо-

вар шаҳригача Жанубий Осиё ва унинг икки миллиард нафар истеъмолчига эга бозорига чиқиш учун энг қисқа йўлни таъминлайдиган трансфенон темир йўлини куриш лойиҳасини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга тайёрлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимизнинг инновацион салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳамда тадбиркорларимиз ўртасида, энг аввало, юқори технологиялар соҳасида саноат кооперациясини амалга оширишнинг янги шакллари ривожлантириш ташаббусини илгари сурди.

Тошкент шаҳрида ЕОИИ мамлакатларининг мингдан зиёд компанияси иштирокида “ИННОПРОМ. Марказий Осиё”

халқаро саноат кўргазмаси ўтказилгани бу борада биринчи амалий қадам бўлди. Кимё, фармацевтика, машинасозлик, ускунасозлик, электроника ва бошқа соҳаларда кооперация алоқаларини рағбатлантириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Бунда илмий-тадқиқот институтлари ва технологик марказлар имкониятларини янада кенгроқ ишга солиш муҳим.

Иқтисодий тараққиётнинг табиий драйверига айланиши лозим бўлган туризм соҳасидаги саяй-ҳаракатлари бирлаштириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги йўловчи транспорти қатновини тўлиқ

ҳажмда тиклаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ЕОИИ мамлакатларининг етакчи компаниялари иштирокида Туризм индустриясини ривожлантириш форумини ўтказиш тақлифини илгари сурди.

Президентимиз ўз нутқининг якунида Ўзбекистоннинг мамлакатларимиз барқарор тараққиётини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтириш мақсадида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва кўп қиррали шерикликни изчил мустаҳкамлашга интилиши қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ў.А.

МУНОСИБ МЕҲНАТ — ДАВЛАТ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Кеча Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастурининг “Йўл харитаси” муҳокамасига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ва ХМТ экспертлари, муассасди вазири ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Давра суҳбати

Тадбирнинг очилишида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Т. Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси директори О. Кулаева, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н. Хусанов, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қ. Рафиқов ҳамда Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси раиси И. Хайдаров сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ушбу тузилмага аъзо давлат сифа-

тида халқаро мажбуриятларига тўлиқ риоя этган ҳолда, мамлакатимизда меҳнат муносабатларини ривожлантириш бўйича изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиб, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва муносиб меҳнат таъминларини кенг тарғиб этиш бўйича қатор лойиҳа ва дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Натижада меҳнат муносабатлари тизими тубдан такомиллашди ва соҳага халқаро стандартлар тўлиқ жорий этилиб,

фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари таъминланмоқда.

Ўзбекистоннинг меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ишлари халқаро ҳамжамият, хусусан, ХМТ томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирда мазкур тузилма билан рўёбга чиқаришда биринчи йирик дастур 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган ва кейинчалик 2020 йилга қадар узайтирилган “Ўзбекистонда муносиб меҳнат дастури” бўлганилиги ҳам айтиб ўтилди. Мухими, бу дастур ижроси тўлиқ бажарилиб, меҳнат муносабатлари такомиллашувида муҳим аҳамият касб этди.

Давра суҳбати иштирокчилари муносиб меҳнат шароитларини янада такомиллаштириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 2021 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган янги мамлакат дастури” ва уни 2022 — 2023 йилларда амалга ошириш

бўйича “Йўл харитаси” юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Жумладан, мазкур “Йўл харитаси”да муносиб меҳнат шароитларини такомиллаштиришга қаратилган 50 дан ортиқ тадбирлар режалаштирилган бўлиб, улар меҳнат қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш, норасмий бандликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш каби масалаларга йўналтирилган.

— “Йўл харитаси” мамлакатимизда муносиб меҳнат таъминлашнинг тарғиб қилишнинг ўзига хос формуласига айланади ва янги Ўзбекистонда фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратади. Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринлари яратиш, энг муҳими, иқтисодиёт, жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришга хизмат қилади, — деди Т. Норбоева.

О. Кулаева Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, меҳнат муносабатларига оид янгиланишлар Халқаро меҳнат

ташкилоты томонидан юқори баҳоланишини таъкидлаб ўтди.

Хусусан, яқинда Жанубий Африка Республикасида ўтказилган Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича 5-Глобал конференцияда иштирокчилар томонидан болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга қарши курашишда юртимизда олиб борилаётган саяй-ҳаракатлар юқори баҳолангани, соҳада эришилган натижалар мамлакатда муносиб меҳнат таъминлашнинг жорий этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳамда Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатларда намуна бўлиши айтилгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда “Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича янги мамлакат дастури”ни 2022 — 2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳасини қайта кўриб чиқди. Яқунда лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Анжуман

27 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон томони раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар атроф-муҳит масалалари бўйича масъул вазирилик ва идоралари раҳбарларининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида делегациялар раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жойлашган ҳудуддаги хийбонга ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик рамзи сифатида дарахт кўчатлари ўтказилди.

ШХТнинг экологик ахборот алмашинуви йўлида дадил қадам ташланди

Гибрид форматда ташкил этилган йиғилишда ШХТга аъзо давлатларнинг (Ҳиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Ислон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси) атроф-муҳит масалалари бўйича масъул вазирилик ва идоралари раҳбарлари ҳамда ШХТ Котибияти вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н. Обломуродов олиб борди.

Делегациялар раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлиги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ўз тақдиротларини ўтказди.

Иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар чегара билмайди. Улар билан курашиш эса глобал, минтақавий ва миллий миқёсдаги комплекс саяй-ҳаракатларни талаб этади. Экологик хавф-хатар тобора кескин тус олаётган бир даврда бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ШХТга аъзо давлатлар учун жиддий аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам кейинги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини институционаллаштириш йўлида ШХТ доирасида қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда томонлар 2021 йил 17 сентябрь куни Душанбе шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида тасдиқланган “ШХТга аъзо давлатларнинг 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси”ни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

“ШХТнинг экологик ахборот алмашинуви учун ягона платформани биргаликда яратиш дастури” қабул қилинди.

Йиғилиш якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг атроф-муҳит масалалари бўйича масъул вазирилик ва идоралари раҳбарларининг 2023 йилда ўтказиладиган навбатдаги тўртинчи йиғилишига Ҳиндистон Республикаси раислик қилиши маълум қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазириларнинг Тошкент учрашуви Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган фаол “экологик дипломатия”нинг навбатдаги муҳим натижаси бўлди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) директори ўринбосари, катта сиёсий маслаҳатчиси Жонатан Авес билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда ЕТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқнинг айна ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

ЕТБ делегацияси раҳбари Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни камайтириш ҳамда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва ислохотлар қўламини алоҳида эътироф этди. ЕТБ Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларига эришишда ҳар

томонлама қўмак беришга тайёр эканлигини билдирди.

Мулоқот чоғида томонлар сўнгги йилларда Ўзбекистон ва ЕТБ ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражага кўтарилганлигини қайд этди.

Учрашув якунлари бўйича ўзаро манфаатли йўналишларда самарали ҳамкорликни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) директори ўринбосари, катта сиёсий маслаҳатчиси Жонатан Авес билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда ЕТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқнинг айна ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

ЕТБ делегацияси раҳбари Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни камайтириш ҳамда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва ислохотлар қўламини алоҳида эътироф этди. ЕТБ Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларига эришишда ҳар

томонлама қўмак беришга тайёр эканлигини билдирди.

Мулоқот чоғида томонлар сўнгги йилларда Ўзбекистон ва ЕТБ ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражага кўтарилганлигини қайд этди.

Учрашув якунлари бўйича ўзаро манфаатли йўналишларда самарали ҳамкорликни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

РЕСПУБЛИКА ЭССЕЛАР ТАНЛОВИ ИҚТИДОРЛИ, ИНТИЛУВЧАН, ИЖОДКОР ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ ИМКОНИНИ БЕРДИ

Учрашув

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!” шиори остида ўтказилган республика эсселар танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олган мазкур тадбирда марказий студиядан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Н. Холбўтаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик А. Саидов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Тошқулов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, танловнинг ҳакамлар хайъати раиси, сенатор М. Ҳошимов ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритган 42 нафар талаба-ёшлар ҳамда уларнинг устозлари, ота-оналари қатнашди.

Рағбат

Шунингдек, ҳудудий студиялардан жойлардаги касабаси уюшмалари ва олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, танловнинг қўйи босқичларида иштирок этган талабалар ҳам қатнашди.

Тантанали тадбирни Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов олиб борди.

— Бугунги кунда юртимизда Президентимиз ташаббуси билан бошқа соҳаларда бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди Қ. Рафиқов. — Натижада янги Ўзбекистон ёшларини замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар этиб тарбиялаш тизими такомиллаштирилиб, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва модернизация қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланаётган талаба-ёшлар турли инновацион лойиҳаларни амалга ошириб, фанлар бўйича республика ва халқаро танловларда ўз билимларини намойён этмоқда.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан бир қатор вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда олий



таълим муассасаларининг бакалавр таълими йўналиши талабалари ўртасида ўтказилган республика эсселар танлови ҳам ёшларни ватанпарварлик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашлар, буюк мақсадларга эга шахслар сифатида тарбиялаш, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик ғазилатларини қарор топтириш мақсад қилинган.

Мазкур танлов тўрт босқичда — факультет, олий таълим муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика миқёсида ташкил этилди. Ҳар бир босқич иқтидорли, интилувчан, ижодкор талаба-ёшларни аниқлаш имконини берди. Жорий йилнинг 28 апрелидан 19 майгача бўлиб ўтган танловнинг уч босқичида 240 мингдан зиёд талабалар фаол иштирок этди. Жумладан, танловнинг биринчи — факультет босқичида 1,5 мингдан ортиқ талабалар ғолиб, деб топилиб, иккинчи босқичга йўланма олди. Учинчи — ҳал қилувчи босқичга эса 350 нафардан зиёд талабалар етиб келди. Ғолиблар орасида ўз иқдорий ишларини ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилидан ташқари инглиз тилида ёзган ёшларнинг ҳам борлиги янада қувонарлиқдир. Танловнинг ҳудудий босқичида фахрли

1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ғолиблар республика босқичида қатнашди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, эсселар танлови мамлакатимизда кечаётган бугунги ўзгариш ҳамда янгиланишлар ёшлар қалбида қандай акс этаётгани, улар Ватанимиз ва жамиятимизнинг эртанги кунини қандай тасаввур қилаётганлари, янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадлар йўлидаги қарашларини ҳам намойён этди.

Эсселар танловининг республика босқичи 24 — 27 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унинг доирасидаги тадбирлар эса иқтидор эсимиздан ва эсда қоларли бўлди. Жумладан, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 42 нафар республика босқичи иштирокчиси ҳамда уларнинг устозлари пойтахтимида тантанали равишда қутиб олиниб, Касабаси уюшмалари Федерацияси тасарруфидagi “Чинобод плаза” сана-торийсига жойлаштирилди. У ерда иштирокчилар учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Танлов доирасида белгиланган тадбирлар дастурига мувофиқ, иштирокчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда бошқа олий таълим муассасалари, республика идораларида бўлиб, улар фаолияти билан танишди. “Ғалаба боғи” ёдрорлик мажмуаси, “Янги Ўзбекистон” боғи, “Шон-шараф” давлат музейи

ҳамда Ўзбек Миллий академик драма театрига саёҳатлар эса ҳақиқий маънода ёшларда ватанпарварлик туйғуларини янада кучайтирди, улар қалбида унутилмас ойлари муҳради, десак, муволафа бўларми.

26 май куни эсселар танловининг республика босқичи иштирокчилари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!” мавзуда эссе ёздилар. Иқдорий ишларни баҳолашда мавзунинг мазмун-моҳияти тўлақонли очиб берилганлиги, тарих, бугун ва истиқболни ёритиб бера олганлиги, мавзуга оид мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича тақлифлар илмий, бадиий тасвирланганлиги, амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан ўз муносабати, ҳулосаси фикрларнинг мавжудлиги, грамматик ва услубий жиҳатдан тўри ёзилганлиги каби мезонларга алоҳида эътибор қаратилди.

Эсселар нуфузли ҳакамлар хайъати аъзолари томонидан ҳолисона баҳоланди. Талабаларнинг иқдорий ишлари мазмунли ва ўзига хос тарзда ёзилгани, қалб қўридан тўқилган сатрларга бойлиги ҳамда саҳнаиятга тўла эканлиги боис уларни баҳолаш осон кечмади, албатта.

Тантанали тақдирлаш тадбирида эс-

селар танловининг республика босқичи иштирокчиларининг барчасига Президент совғаси сифатида замонавий нoutбуклар топширилди.

Баҳолаш натижаларига кўра танловнинг республика босқичида иштирокчилар орасидан 1, 2 ва 3-ўрин ғолиблари ҳамда бир қатор номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди. Республика босқичида 3-ўринни эгаллаган талаба диплом ва 10 миллион сўм, 2-ўринни қўлга киритган талаба диплом ҳамда 20 миллион сўм, 1-ўринни эгаллаб ғолиб бўлган талаба диплом ва 30 миллион сўмлик пул муқофоти билан тақдирланди.

Номинациялар ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Танлов ғолибларининг устозлари ҳам муносиб рағбатлантирилди. Тадбир давомида эсселар танлови иштирокчилари ҳамда ғолиблар, уларнинг устозлари ва ота-оналари сўзга чиқиб, бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигиде ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятларини эркин намойён этишлари учун яратиб бериллаётган шароит ва имкониятларни эътироф этдилар ҳамда ўз миннатдорликларини билдирдилар.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Аҳмад Шоҳид:

ЎЗБЕКИСТОН
КОНСТРУКТИВ
МУЛОҚОТГА МУТЛАҚО
ОЧИҚ ЭКАНИНИ
НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларидаги Фавкулотда ва мухтор элчиси Жавлон Ваҳобов Ватингтонда бўлиб турган БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шоҳид билан учрашув ўтказди.

Эътироф

Мулоқотда БМТ махсус маърузачиси билан Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш, диний ташкилотларни рўйхатга олиш ва уларнинг эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратиш, таъкидланган ташкилотларда қатнашганликда айбланган маҳкумларни озод қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шу жумладан, маърифий Исломи тарғиб қилишнинг институционал механизмларини кенгайтириш соҳаларида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар ўрқоқлашилди. Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларида жамиятнинг барча қатлами иштирокда баржикенглик, ўзаро ҳурмат, динлараро ва маданиятлараро мулоқот ғоялари ва тамойилларини илгари суришга жуда муҳим аҳамият берилаётгани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли радикаллашуви борасида барвақт огоҳлантириш ва жамиятнинг турли қатламлари вакилларини, асосан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан “жаҳолатга қарши маърифат” тамойили бўйича тизимли равишдаги чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, Аҳмад Шоҳид Ўзбекистоннинг диний эркинлигини таъминлашдаги та-

раққиётидан мамнун эканини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев билан 2017 йилда бўлиб ўтган биринчи учрашувидан буён унинг туб ўзгаришларни амалга оширишдаги қатъияти туфайли Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини, айниқса, виждон эркинлиги ва динга эътиқод ҳуқуқини илгари суриш ва ҳимоя қилиш борасида самарали муваффақиятларга эришганига гувоҳ бўляпман”, деди БМТ махсус маърузачиси.

Унинг айтишича, Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида мавжуд муаммоларни бартараф этишда халқаро институтлар ва экспертлар ҳамжамияти билан конструктив мулоқотга мутлақо очик эканини намоийш қилмоқда.

БМТ махсус маърузачиси фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигига асосланган халқаро стандартлар ҳақидаги билимларни оширишга қаратилган қўшма ўқув дастурларини ташкил қилиш орқали Ўзбекистон билан диний эркинлик соҳасидаги тараққиётни янада ривожлантириш бўйича ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Аҳмад Шоҳид, шунингдек, бундай дастурлар тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг касб салоҳиятини ривожлантиришга ҳам имкон беришини қайд этди.

«Дунё» АА.
Вашингтон

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР
ҲАР БИР ФУҚАРО ҲАЁТИДА АКС ЭТИШИ КЕРАК

Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 20 май куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўшма мажлисида Конституцияга ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш, тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия ташкил этилди.

Халқ вакиллари — ҳудудларда

Ҳўш, конституциявий ислохот нима учун керак, унинг асл моҳияти нимадан иборат? Конституциявий комиссия фаолияти қандай ва қайси тамойиллар асосида ташкил этилади? Бундай саволлар бугун интернет тар-

моқларида янграшни бошлади. Саволларга жавоб бериш, кенг жамоатчилик ўртасида тушултириш, тарғибот ишлари олиб бориш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида учрашувлар ўтказяпти.

Ана шундай учрашувларнинг бири — Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мухторжон Ҳожиматов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, жамиятимизнинг тезкор тараққиёти Бош қомусимизни бугунги реал воқеаликка, демократик янгиланишлар жараёнларига мос бўлишини таъминлашни, тараққиёт стратегиясига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратишни муҳим вазифага айлантирмоқда. Шу сабабли,

мамлакатимизда ушбу муҳим конституциявий ислохотлар жараёнига киришилди.

Конституциявий ўзгаришлар “Инсон қадри учун”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойиллари асосида халқимизнинг фаровонлиги янада юксалишига, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилган ислохотларни қатъий давом эттириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш

баробарида, конституциявий ислохотларнинг амалга оширилиши жамият тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янги босқичга қўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, Конституциявий комиссиянинг асосий вазифалари, тақлифларни кўриб чиқиш тамойиллари тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

Учрашувда бир қатор фикр ва тақлифлар янгради, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

«Халқ сўзи».

МАКТАБДАГИ ШАРОИТ ЎРГАНИЛДИ

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўзи сайланган округларда бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда.

Хусусан, депутат Елена Бабенконинг Андихон шаҳридаги сайловчилар билан навбатдаги учрашуви 48-умумтаълим ўрта мактабда бўлиб ўтди.

Дастлаб депутат билим даргоҳи фаолияти билан танишиб, муаммо ва камчиликларни ўрганди.

Мазкур таълим муассасаси 1985 йилда қурилган бўлиб, 2008 йилда мукаммал таъмирланган. Ҳозирги кунда унда 3 минг 260 нафар ўқувчи таълим олмақда.

Мулоқотлар чоғида эскирган жиҳозларни янгилаш, спорт анжомлари билан таъминлаш масалалари ўртага ташланди. Аниқланган кам-

чиликлар ечими депутат назоратига олинди.

Е. Бабенко вилоят марказидаги “Мустақилликнинг 21 йиллиги” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган маҳалла раиси сайловида ҳам иштирок этди.

Шунингдек, халқ вакили ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ўрганиб, соҳада олиб борилаётган ишларни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар берди.

ВАЗИРЛИККА ДЕПУТАТ СЎРОВИ ЮБОРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Парламент куйи палатаси депутати Дилбар Мамажонованинг Фарғона туманидаги аҳоли билан учрашувлари кўтаринки рўхда ўтмоқда.

Айни жараёнда депутат ташаббуси билан туман ҳокими, ташкилот, корхона раҳбарлари иштирокида фуқаролар қабули ташкил этилди. Туман Халқ қабулхонасида бўлиб ўтган учрашувда фуқаролар томонидан кўтарилган кўлаб муаммолар жойида ҳал этилди.

Жумладан, жаррохлик амалиёти учун пул ажратиш масаласида ёрдам сўраган

И. Умаров вилоят шифохонасида ташкил этилган акция доирасида бепул операция қилинадиган бўлди. Сайловчилардан тушган бошқа муножаатлар бўйича ҳам тегишли чоралар белгилаб олинди.

Шундан сўнг депутат “Бўстон” МФЙда жойлашган кўп тармоқли поликлиника ходимлари билан учрашди. Унда мамлакатимизда

МУАММОЛАР ТЕЗДА ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамкулов аҳолининг турмуш шароитларини ўрганиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш мақсадида Шеробод тумани Халқ қабулхонасида фуқаролар қабулини ўтказди.

Аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар чоғида ечимини кўтиб қолган муаммолар, жумладан, қўшима мактаб ва боча қуриш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ масалалар, ички йўлларни таъмирлаш, битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш, даволаниш

учун тиббий йўланма олиш, шу билан бирга, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор масалалар юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Депутат билан мулоқотда фуқаролар томонидан 18 та муножаат келиб тушган бўлса,

амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳамда конституциявий ислохотларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ ишларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида тушулчалар берилди. Поликлиникадаги мавжуд муаммолар ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги депутат сўрови юбориладиган бўлди.

Халқ вакили ҳудудда иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан ҳам яқиндан танишди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ АЛИФБОСИ

ЎЗБЕКИСТОН БИРЖАСИ
ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?

Биржа, бу — бозор тамойилининг асосий кўрсаткичи, яъни мамлакат иқтисодиёти ҳолатини билдирувчи муҳим омилардан бири. Биржа фаолияти биржа савдоларига боғлиқ, Жорий йилнинг 17 май куни Ўзбекистон товар-хомашё биржаси фаолиятига доир видеоселектор йиғилишида Президентимиз унга янада аниқ таъриф берди: биржа, бу — бозор иқтисодиётининг алифбоси. Дарҳақиқат, бозор биржа савдоларида шаклланади. Тадбиркорларга янги имконият ва рақобат яратадиган майдон — биржа бозори. Биржа савдоларининг вужудга келиши ишлаб чиқариш ҳамда савдонинг ривожланишига асосланади.

Таҳлил

Савдоларнинг самарали ташкил этилиши — давр талаби

Бугунги кунда иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришлар биржа савдоларини самарали ташкил этишни талаб этмоқда. Сабаби, биржа, аллақачон, бозор иқтисодиётининг муҳим бўғинига айланиб улгурган. Бунда товар муносабатларининг самарали амал қилишда тегишли хомашё биржалар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий тараққиётида биржалар фаолиятини ривожлантиришга эътибор қаратади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси фаолиятининг кенгайтириш бозор иқтисодиётида савдоларнинг эркин рақобатини қўлайтириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорларни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари товар-хомашё биржаси савдолари орқали амалга оширилиши натижасида “яширин иқтисодиёт” ва коррупция ҳолатлари пайсаяишига олиб келади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг биржа савдоларида иштироки ортимоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 14 ноябрдаги, 2019 йил 8 октябрдаги, 2021 йил 2 июлдаги қарорларига кўра, давлат харидларини амалга ошириш тўғрисидаги эълонлар ва давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборотни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида стратегик корхоналар харидларининг шаффофлигини ошириш бўйича махсус ахборот порталида алоҳида sahifa (ylikhaborot.uzex.uz) яратилиши биржа савдолари ҳажми кескин ортишига олиб келди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 декабрдаги қарорига мувофиқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун яратилган электрон дўконнинг алоҳида sahifаси — миллий дўкон орқали тузилган шартномалар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 2,4 баробарга ошиб, 709,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, сўнгги

йиллардаги ислохотлар натижасида биржа савдо айланмаси 2 бараварга ўсиб, 90 триллион сўмга етган, сотиладиган товарлар сонин эса 3 бараварга қўпайган. Айтиш жоизки, илгари товар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг истеъмолчилар ўртасида воситачилар кўп бўлганлиги сабабли йилги корхоналар даромадлари камаялган. Ўтган йилги эса йирик корхоналар биржадаги очик-ошқора савдолар ҳисобига 8 триллион сўм қўшимча даромад қилган.

Фаоллиқни ошириш зарур

Видеоселектор йиғилишида биржа савдоларини ташкил этиш, маҳаллий тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш борасида ҳали ҳам айрим камчиликлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, биржа савдоларининг 85 фоизини 45 турдаги юқори ликвидли товарлар ташкил этмоқда. Тўқимачилик, ипақ, чарм ва кабёль маҳсулотлари, ҳудудлардан Сирдарё, Андихон ва Сурхондарё вилоятлари корхоналарининг биржа савдоларидаги иштироки паст бўлиб турибди. Шу сабабли, маҳаллий маҳсулотларни биржага қўйишда туманларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди. Бугунги кунда 45 мингдан зиёд маҳаллий sanoat корхоналаридан бор-йўғи 3 минг 600 таси биржага ўз маҳсулотини чиқармоқда. Мазкур кўрсаткич жудаам кам ҳисобланиб, шу сабабли, маҳаллий маҳсулотларни биржа савдоларида чиқариш тартибини соддалаштириш зарурлиги айтилди. Юқориди кўрсатилган камчиликлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий маҳсулотларни биржа савдоларида чиқаришда қуйидагиларни амалга ошириш лозим. Жумладан:

- 1 июлдан биржада алоҳида истикболли товарлар секцияси ташкил этилиб, маҳаллий тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотини ортиқча ҳужжатларсиз сотиш йўлга қўйилди;
- энг яхши сотилган товарлар кейинчалик биржанинг асосий савдо майдонларига жойлаштирилди;
- тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтиши

билан бир вақтда биржада ҳам ҳисобга олиш тартиби жорий этилади;

- маҳаллий тадбиркорларнинг маҳсулотлари учун биржа тўловлари 2 бараварга қисқартирилади;
- солиқ назоратида тадбиркорларнинг биржа орқали сотилган ёки харид қилинган товарлар бўйича қўшимча ўрганиш ўтказилмайд.

Бундан ташқари, Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг чет эл давлатларида 20 та, хусусан, Қозғистонда 6 та, Россияда 4 та, Хитой, Украина ва Қирғизистонда 2 та, Латвия, Польша, Беларус ва Тожикистонда 1 та савдо майдончалари фаолият юритиб келмоқда. Республика товар-хомашё биржаси савдоларида 1 минг 274 та хорижий компания иштирок этаётган бўлиб, шундан 728 таси 2021-2022 йилларда аккредитациядан ўтказилган.

Хусусан, Қозғистонда рўйхатдан ўтган 439 та, Қирғизистон — 163, Россия — 99, Тожикистон — 103, Афғонистон — 86, Хитой — 39, Туркия — 34, Эрон — 15, Украина — 15, Беларусда 5 та ва бошқа хорижий давлатларда рўйхатдан ўтган чет эл корхоналари биржа савдоларида доимий иштирок этиб келмоқда.

Чет эл корхонасининг биржа савдоларида иштирок этиши учун электрон шаклда ариза-акцепт тақдим этилиши (id.uzex.uz сайти орқали онлайн амалга оширилади) етарли ҳисобланади.

Импорт жараёнини янада соддалаштириш ва норезидентларни биржа савдоларига кенг жалб қилишни давом эттириш мақсадида биржа томонидан ун, ёғ, шакар, бугдой ва гўшт маҳсулотлари сотувчи хорижий компанияларни аккредитациядан ўтказиш соддалаштирилди, уларнинг биржа савдоларида иштирок этиши учун пул маблағларини олдиндан депонентга қўйиш талаби ҳамда биржа комиссияси бекор қилинди. Натижада жорий йилнинг 4 ойи давомида биржанинг чет элдан савдо майдончалари орқали 160 млн. долларлик 587,3 минг тонна маҳсулот, жумладан 86,1 млн. долларлик (ўсиш 26 баробар) бугдой, 7,8 млн. долларлик (2021 йил 4 ойда импорт қилинмаган) ўсимлик ёғи ҳамда илк бор 18,7 млн. долларлик ун маҳаллий тадбиркорлар томонидан эркин сотиб олинди.

Шунингдек, биржа орқали 20,6 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилиниб, улар асосан газолин, кокс, ган ва техник мой каби нефть маҳсулотлари (8,9 млн. доллар), суолтирилган газ (6,2 млн. доллар), пахта ёғи (3,0 млн. доллар), қурилиш ойяси (2,4 млн. доллар) ва ун маҳсулоти (142,1 млн доллар) ҳисобига тўғри келган. Шу билан бирга, айрим давлатлардаги мурракб вазиятдан келиб чиқиб, иқтисодий санкциялар қўланилган банклар бошқа корреспондент хизмат кўрсатувчи банкларга алмаштирилди. Бундан ташқари, савдо тизимига техник ўзгартиришлар киритилиб, жорий йил март ойдан бошлаб рубль, юань



ва тенге валюталарида экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш имконияти яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги қарорига мувофиқ, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг бир қисми ўрнатилган квоталар бўйича фақат биржа савдолари орқали экспорт қилиниши белгиланган.

Бундан ташқари, биржа савдоларида авиация керосини, металл лить прокати, суоқ углерод оксиди, техник кислород каби янги турдаги маҳсулотларни биржага жалб қилиш, шунингдек, биржада сотилаётган дизель ёқилғиси, керосин, суолтирилган газ ва нефта маҳсулотлари сотиш ҳақмаларини ошириш ҳисобига йил якуни билан товар айланма ҳажмини 120,3 триллион сўмга етказиш таъминланади.

Исталган жойда туриб савдода қатнашиш мумкин

Бугунги кунгача Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг ахборот технологиялари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича электрон биржа савдоларининг янги тизими ишлаб чиқилди ва ишга туширилди (spot.uzex.uz). Бунинг натижасида янги савдо тизими брокерлик идоралари томонидан интернет тармоғи орқали исталган жойдан туриб, биржа савдоларида иштирок этиш, савдо иштирокчиларини тезкор идентификациялаш, эски тизимга нисбатан 5 баробар кўпроқ сўровларни саралаш ва юқори даражада маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Шунингдек, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталини такомиллаштириш мақсадида барча электрон савдо тизимлари ягона тахид.uzex.uz платформасига бириглаштирилган ҳолда ишга туширилди. Ишга туширилган янги тизим иштирокчилар учун уларнинг пул маблағларини ягона ҳисоб рақамда сақлаш, битимнинг қайси босқичда турганлигини “load map” алоҳида функцияси орқали кузатиш, шу билан бирга, йирик буюртмачилар томонидан уларнинг таъсислигида ташкил этилган корхоналар харидларини назорат қилиш ва зарур ҳолларда улар учун харидларни баҳарлишни амалга ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, биржа савдоларида реализация қилинаётган юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни охириги ис-

теъмолчисига етказиб бериш жараёни тўлиқ рақамлашган шаффоф навабат тизимини назарда тутувчи электрон логистика савдо портали ишга туширилди (e-logistika.uzex.uz). Мазкур тизим юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни сотиб олган харидорларга тезкор ва энг арзон нархларда ташиш хизматларидан фойдаланиш имконини яратишга, шунингдек, транспорт корхоналарига харидорлар қўламини оширишга хизмат қилади.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида мазкур савдо порталида 1 минг 853 та буюртмачи ва 1 минг 692 та етказиб бериувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиб, улар томонидан қўймати 2,9 млрд. сўмдан ортиқ 2,2 мингта шартномалар тузилиши таъминланди.

Камчиликлар бор, аммо уни бартараф этиш ўзимизга боғлиқ

Мамлакатимизда биржа савдоларини ташкил этишда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг биржада фаоллигини ошириш борасида ҳали ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Жумладан, фермерларнинг етиштирилган галласини биржа орқали сотишни амалга оширишда биржа савдоси билан боғлиқ билим-қўнималарини шакллантириш лозим. Мисол учун, 1 июлдан 500 минг тонна галлани биржа орқали сотиш йўлга қўйилиши белгиланган. Лекин ушбу жараёни ташкил этиш, хусусан, мамлакатимиз фермерлари биржадан рўйхатдан ўтказилмагани, бу борада билим ва қўнималари шакллантирилмаганлиги сабабли уларнинг тахрибасини ошириш мақсадга мувофиқ, Шунингдек, биржа билан савдо қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва билим-қўнималарини

ташкил этишда қисқа муддатли ўқув курсларини йўлга қўйиш лозим.

Бугунги кунда электрон логистика савдо портали орқали минерал ўғитлар, ПВХ, омухта ем каби маҳсулотларни ташиш бўйича битимлар тузилмоқда. Бироқ маҳаллий маҳсулотлар бўйича битимлар тузилмайд. Шу сабабли, фермерларнинг галласини биржа орқали сотишини йўлга қўйиш билан бирга юк ташишини рўйхатдан ўтказиш жараёни ва галласини ташиш бўйича битимлар тузишга қўлайлик яратиш зарур. Бу фермерларнинг галласини сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлари қисқаришига олиб келади.

Олти ой мобайнида доимий равишда биржа орқали сотилган товарларни биржа товарлари рўйхатига киритиш мақсадида биржа савдоларининг истикболли товарлар секциясини жорий этиш маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотини қўшимча харажатларсиз сотишга шариот яратди.

Биржа ҳисоб-китоб кпиринг палатаси томонидан биржадан ташқари тузилган, шу жумладан, экспорт-импорт битимлар бўйича хизмат кўрсатишни жорий қилиш, бунда биржадан ташқари тадбиркорлик субъектлари учун ҳам биржанинг қафоллати тўлов механизмидан фойдаланиш имкони яратилди.

Ички бозорда маҳсулоти фақат биржа орқали сотилиши белгиланган ишлаб чиқарувчилар томонидан товарларни тўғридан-тўғри сотиш ҳажми ҳамда нарҳини аниқлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ҳамда биржа ўртасида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, бунда олинган маълумотларга асосан солиқ базаси тўлиқлигини таъминлаш, ушбу ҳажмларни биржага қайтариш орқали бозор тўйинишини таъминлаш мумкин. Шартномалар, электрон ҳисоб-фактураларни иштирокчиларнинг шахсий кабинетини билан аўтомат равишда шакллантириш тизимини йўлга қўйиш орқали давлат харидлари соҳасидаги ягона етказиб бериувчилар билан шартнома тузиш жараёнини рақамлаштириш лозим. Бу ҳам ортиқча ово-рагарчиликнинг олдини олади.

Хуришд Худойкулов,
Тошкент давлат иқтисодий университети
Молия кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент.

СПОРТ МАМЛАКАТНИ ДУНЁГА ТАНИТАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида соҳадаги муаммо ва камчиликлар очиқ-ойдин айтилди, илмий салоҳиятнинг амалдаги ҳолати талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди.

“Бирорта спорт тури бўйича маҳаллий олимлар томонидан на методика, на дастур ишлаб чиқилган. Спорт диетологияси, фармакологияси, психологияси, спорт муҳандислиги, кардиомашғулотлар бўйича бизда умуман мутахассислар тайёрланмайди. Бугунги кунда спортчиларни тайёрлаш 30 йил олдинги дастурлар асосида амалга оширилмоқда”, деди Президент.

Нуктаи назар

Ютуқлар бор, силжиш йўқ

Спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмонан чиниктириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради. Юксак маданият, ватанпарварлик туйғулари шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутди ва бу соҳадаги ютуқлар мамлакатни дунёга танитди. Бунинг учун шароит керак, профессионал тайёргарлик керак.

Бироқ давлатимиз раҳбари томонидан соҳага берилган кенг имкониятларга қарамай, спортчиларни тайёрлаш тизимидаги ислохотлар қўйилган натижани бериётгандек. Бунга нима сабаб? Сабаб шуки, спортчиларни тайёрлаш дастурлари бугунги талабга мувофиқ яроқсиз.

Республикада жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ёш авлодни спортга йўналтириш учун 386 та спорт мактаби фаолият кўрсатади. Уларда 14,5 минг нафардан зиёд мураббийлар қўл остида 388 мингдан кўпроқ ёшлар спортнинг 30 дан ортиқ турлари бўйича мунтазам шугулланиб келади.

Бугун дунё ареналарида Ўзбекистон спортни, унинг юксак галаблари, зафарли олимлари бор, деб мактанамиз. Аммо бу ютуқлар спортнинг бир-икки йўналишида, янаям аниқроғи, бокс йўналишида қўлга киритилди. Олимпиада ўйинларига киритилган бошқа спорт йўналишларида олдинги силжиш сезилмаётган, десак, айна ҳақиқат.

Қоғоздаги «ютуқлар»

Йиллар давомида халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик ишлари қоғозбозликка, ҳисоботбозликка айланиб қолди. Хар бир спорт тури бўйича алоҳида тизимли стратегия ишлаб чиқилмади. Хар йили ўтказилиб келинган уч босқичли спорт мусобақаларида очикдан-очик кўзбўямачиликларга йўл қўйилди. Бунга кўпчилик биларди, лекин индамасди. Қоғозларда қайд этилган қалбаки «ютуқлар» замирида эса коррупция аломатлари намоён эди.

Сўнгги беш йилда бу борада аҳвол тубдан ўзгарди. 118 та янги йирик спорт объеклари фойдаланишга топширилиб, 110 та объект реконструкция қилинди. 2022 йилда спорт соҳа-

сига 2 триллион 300 миллиард сўм (2017 йилдан 5 бараварга кўп), шундан спорт таълим муассасалари учун 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилди.

Илк бор маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, мактабларнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мактаблари тренерлари иштирокида ёшларни спортга жалб этиш бўйича янги беш босқичли мусобақаларга



старт берилди. Апрель-май ойларида мусобақалар билан 3 миллиондан зиёд ёшлар қамраб олинди.

Тизим бўлмаса, тўзиш бўлади

Очигини айтиш керак, спортдаги натижалар яратилган шароитларга ҳали мос эмас. Спорт мактаблари билан олимпия захиралари коллежлари ва олий спорт маҳорати мактаблари ўртасида селекция борасида узвий “занжир” йўлга қўйилмаган. Мисол учун республикадаги 279 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 190 тасида 36 та олимпия спорт туридан, бор-йўғи, 10 таси ўргатилади. Оқибатда, халқаро мусобақаларда қатнашиш учун давлат барча ташкилий ва молиявий шароитларни яратиб бераётганига қарамадан, Осиё ва жаҳон олимпия спорти бўйича чемпионатларида 5-6 нафардан совриндор чиқмоқда ҳолос.

Олтига олий спорт маҳорати мактаби, 32 та олимпия спорт федерацияси олимпия захиралари коллеж-

лари билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Коллежлардаги 9 мингта яқин спортчиларнинг 21 фоизи миллий терма жамоага кира олган ҳолос. Ахир миллий терма жамоа таркибини айнан шу коллежлардан чиққан спортчилар ташкил этиши керак эмасми? Таниш-билишчилик, ошана-оғайнигарчилик оёғимиздаги тушов эканлигини қачон англаймиз?

Муаммо республикаимизнинг барча ҳудудига тегишли.

Бирорта вилоят, туман ёки шаҳар ҳокими спортнинг ҳамма турлари бўйича тизимли ишлашни йўлга қўя олгани йўқ. Сидней ва Рио Олимпиадаларида шўҳрат қозongan Андижон, Бухоро ва Фарғона бокс мактаблари бугунги кунга келиб натижа кўрсатмай қўйди. Демак, тизимли ёндашув йўқлиги ишчи орқага суряпти.

Ўтган йили 352 та республика мусобақаси ўтказилган бўлса-да, бирорта ҳудудда туман босқичи, яримдан қўлида эса вилоят босқичи ташкил этилмаган.

Соҳада илм-фаннинг ўрни катта

Дунё таърибасига назар солади-ган бўлсак, спортда ҳам ўзига хос илмий ёндашувлар мавжуд. Бу борада биз мактана олмаймиз. Аввало, бирорта спорт тури бўйича маҳаллий олимлар томонидан на методика, на дастур ишлаб чиқилган. Боз устига, спорт диетологияси, фармакологияси, психологияси, спорт муҳандислиги, кардиомашғулотлар бўйича бизда умуман мутахассислар тайёрланмайди. Спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш тизими ҳам алмисокдан қолган.

Шундай экан, олимпия спорт турлари бўйича спортчиларни жисмоний ва руҳий тайёрлаш, уларни соғлом овқатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, келгуси ўқув йилидан бошлаб Жисмоний тарбия ва спорт университетида спорт диетологияси, муҳандислиги ва кардиомашғулотлар, Тиббиёт академиясида спорт медицинаси ва фармакологияси бўйича мутахассислар тайёрлаш, йилига камида 20 нафар маҳаллий тренер, спорт шифокори ва бошқа мутахассисларни хорижда малака ошириш тизимини жорий этиш, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, уни таъминлаштириш бўйича танқидий қиритиш вазифаларининг кун тартибига қўйилиши натижалар гарови бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Янгича ёндашувлар, истикболли режалар

Эндиликда ёшларни спортга жалб қилиш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш борасидаги ёндашувлар ўзгартирилади. Хар бир маҳаллада иккита мавсумда (апрель — июнь, сентябрь — декабрь) мусобақалар ташкил этилиб, яхши натижа кўрсатган ёшлар спорт бўлими ва ёшлар етакчиси томонидан электрон рўйхатга киритилади. Улар вилоятлардаги 19 та спорт мактабининг махсус гуруҳларида (8 ойгача) мураббийлар томонидан бепул шугуллантирилади. Махсус гуруҳлардаги профессионал спортга салоҳияти бор ёшлар йўналишига спорт ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилинади.

Спорт мактаби тренерларининг иш ҳақи 35 фоизга оширилади. Бундан ташқари, яхши натижа кўрсатган мактаб директорлари, тренерлар ва бошқа мутахассисларга қўшимча 50 фоизгача устама тўланади. Жамоавий спорт турлари бўйича ҳудудий чемпионатларда спортчилари голиб бўлган тренерларга 5 фоиз, республика чемпионатида юқори натижа кўрсатса 20 фоиз устама берилади.

Вилоятлардаги спорт мактаблари ихтисослигига қараб олимпия спорт турлари бўйича базгага айлантирилади. Спортни ривожлантириш вазирлиги мутасаддилари энди кабинетдан иш юритишни йиғиштириб қўйиб, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги шарт-шароитлар ва тренерларнинг малакасини жойига бориб ўрганади ҳамда уларни олимпия спорт турларига ихтисослаштириш, хар бир спорт мактабини ўз ҳудудидаги маҳалла, мактаб ва техникумларга боғлаш билан шугулланади. Камида биттадан олимпия спорти тўғрақлари ташкил этилиб, йил якунигача спортчиларни маҳалладан бошлаб танлаб олиш бўйича электрон платформа ишга туширилади. Натижа кўрсатган маҳаллаларни рағбатлантириш тизими жорий этилади.

Вазирлик ва вилоят ҳокимлари спортнинг 43 фоизи (6 миллиондан ортиқ) оммавий спорт билан мунтазам шугулланишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўради. Ёшларнинг спорт мактаблари билан қамрови

Видеоселектор йиғилишида Президентимиз: “...спортдаги натижалар яратилган шароитларга ҳали мос эмас”, деб алоҳида таъкидлади. Демак, бу тизимдаги ишлар, аввало, илмий асосланган ҳолда олиб борилиши ва пировардида мамлакатни дунёга танитишга, ёш авлодни жисмонан ва маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилиши шарт.

Муваффақият занжири

Спортчиларни профессионал тайёрлаш тизими тўлиқ қайта қўриб чиқилади. Негаки, Республика ва Чирчик шаҳар олимпия захиралари коллежларидан бошқа бирорта спорт коллежи ўз натижаси билан мактана олмайди. Сабаби ёшлар терма жамоаларининг бош тренерлари айнан шу коллежларда фаолият юритади ва спорт федерациялари ҳам фақат улар билан ишлашга ўрганган. Олимпия захиралари коллежларига 14 ёшдан юқори ўсмирлар қабул қилинаётгани оқибатида ёшларни Олимпиада ўйинларига тайёрлаш 7-8 йил кеч бошланганти. Энди бундай тартибдан воз кечилади. Спорт вазирлиги ҳузурида илгор тренер ва хорижий экспертлардан иборат Мураббийлар кенгаши ташкил этилиб, мусобақаларда энг юқори натижага эришган спортчилар коллежларга саралаб олинади. Коллеж битирувчилари Олий спорт маҳорати институтига қабул қилинади. Умумреспублика спорт мусобақалари “туман — вилоят — республика” занжири асосида ташкил этилади.

Бундан кейин бирламчи саралаш босқичидан ўтмаган спортчилар вилоят ва республика босқичида иштирок этмайди, миллий терма жамоаларга барча босқич мусобақаларида иштирок этиб голиб ёки совриндор бўлган ёшлар саралаб олинади, хар йили маҳалла ва муассасалар жамоалари иштирокида кўп босқичли Ҳоким кубоги ташкил қилинади. Халқаро таъриба ва стандартлар асосида спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар ўтказиш тартиби ишлаб чиқилади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мазкур масалаларнинг ечим топиши, аввало, ҳалқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, пировардида Ўзбекистон халқининг генوفонди соғломлаштишига, юртимиздан доврақли спортчилар етиштиб чиқишига замин ҳозирлайди.



Икром АҲМЕДОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқув ишлари бўйича проректори.

ДЎМБИРА ОҲАНГИГА САДО БЕРАР ТОҒЛАР ДАРАСИ

Қашқадарё бахшичилик мактаби вакили — Қаҳҳор бахши Раҳимов туғма истеъдод соҳиб. У дostonларни ёдламаган — отаси Қодир бахши куйлаётганда эшитиб, бир умр юрагига муҳрлаган. Унинг қўлига дўмбира олишига, бу даврага кириб келишига ҳам отаси сабабчи бўлган. Падали бузруквори ёш Қаҳҳорга “Хув анави қирдаги чўпонни чақир, қўларни қайтарсин,” деган.

Санъат

Ёш Қаҳҳор чўпонни чақирганда, унинг янғроқ овози тоғларга урилиб, акс садо берган, чоратроф бамисоли зириллаган. Отаси ўшанда “менинг овозим сенда ҳам бор экан, мана, дўмбира, чал, қўйла, муносиб давомчим бўл” деб бағрига босган экан.



— Отам дoston куйлаганда тўхтатиб бўлмасди, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор бахши Раҳимов. — Бир тўйда, аниқ эсимда, отам шом пайти дoston куйлашни бошлаганди, тонг отиб, хўрозлар қичқирганда ҳам, кўёш чиққанда ҳам дoston айтишдан тўхтамади. Энг қизиги, бирорта киши ўрнидан қимирлагани йўқ, улар ҳам бедор ҳолда Қодир бахши дostonларига махлиё бўлиб тонг оттиришди. Шундай улғу инсоннинг фарзанди эканмидан юрагимда доим фахр туйиб юраман. Халиям Дехқонобод тоғларидан қулғимга отам куйлаган дostonлар акс садо бериб туради.

“От изини той босар” де-ганларидек, Қаҳҳор бахши отасидан ашитган дostonларни бугун халқ орасида сўзма-сўз айтиб, оҳангини ҳам отасиди залварли қилиб, эл назарига тушди. “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ёдгор”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Рустамхон”, “Ойсулу”, “Балогардон”, “Малика айёр”, “Нурали ва семурғ”, “Чамбил қамали”, “Ёзи билан Зебо” каби 70 дан ортиқ дoston ҳамда 500 дан зиёд термаларни ўқиб куйлайди. У куйлаганда, одамлар сел бўлиб кетади, ҳаёт қадрини, тириклик ва умр мазмунини теран ҳис қила бошлайди.

Яқинда Ўзбекистон халқ бахшиси, Ўзбекистон уюшмаси аъзоси Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг “Қўнча карвон садолари” номли китоби чоп этилди. Китобда аны-

анавий термалар ва тўртликлардан намуналар жамланган бўлиб, уларда қадимий қадриятлар, урф-одатлар ҳамда турли мавзуларга мурожаат қилинган. Ҳаётнинг турфа қирралари, баланд-пастини кўрган шахс ўлароқ муаллиф фикрлари содда, халқона ҳамда фалсафий тарзда баён этилган.

Бу асарга қадар Қаҳҳор бахшининг “Мангулик жавохирлари”, “Самодан томган томчилар”, “Қуралай”, “Яшинга айланган чамқок” каби шеърлар ва термалар жамланган тўпламлари чоп этилган.

Қаҳҳор бахши туғилиб ўсган Дехқонобод туманида “Қўнча карвон садолари” китоби тақдими бўлиб ўтди. Дехқонобод тумани ҳокимлиги мутасаддилари, ёзувчи ва шoirлар, бахшининг ақинлари ҳамда дўсту жўралари жам бўлган бу анжуманда илиқ фикрлар билдирилди, куй-қўшиқлар янгради, Қаҳҳор бахши қўлига дўмбира олиб, халқ дostonларидан парчалар ва термалар ижро этди.

Бахши дилидан куйилиб келган сатрлар тингловчи-лари тасаввурда эзгу ва боқий тушунарларни яна бир бор жонлангирди: ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик аҳамияти, юрт ишчи, ёр вафси, адолат тантанаси.

От ўрнини той босар-эй,
той босар,
Эркисиз эли ёв босар-эй,
ёв босар...

Фахриддин БОЗОРОВ
(“Халқ сўзи”).

Тиббиёт

БОЛАЛАР ЖАРРОҲЛИК БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Андижон вилоятида малакали тиббиётни аҳолига яқинлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тахшиш ва даволаш ишларини жаҳон стандарти асосида ташкил этиш чора-тадбирлари амалий тасдиғини топмоқда.

Жумладан, 114 мингдан зиёд аҳоли истикомат қил-диган Хўжаобод тумани тиббиёт бирлашмаси ўз фаолиятини мукаммал таъмирланган янги бинода давом эттира бошлади. 9 млрд. 994 млн. сўмлик лойиҳа натижасида энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий жи-хозларнинг келтирилиши айна мундоо бўлди.

— Авваллари туманлардаги тиббиёт бирлашма-ларида болалар жарроҳлик бўлимлари мавжуд бўлма-ган, — дейди Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Саломхон Юсупов. — Сабаби ҳудудларимизда ма-лакали шифокорларимиз

бўлгани билан замонавий тиббий жиҳозлар таъмино-ти мактагулик эмас эди. Эндиликда хўжаободлик-ларнинг вилоят марказида-ги шифохоналарга қатнаш-ларига ҳожат қолмади. Бо-иси туманининг ўзида си-фатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча ша-роит муҳайё этилди.

Хўжаобод тумани ҳоким-лиги ташаббуси билан амалга оширилган таъмир-лаш ишларидан сўнг бир-лашма тизимидаги шифо-хона ва унинг 6 та бўлими замон талабларига мос-лаштирилди.

Саминжон ХУСАНОВ
(“Халқ сўзи”).

КИЧИК НОВВОЙХОНА

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
- 2) Булочкалар 15х15 см. — 108 та.
- 3) Сомса 12х12 см. — 128 та.

керамик иситкичларда (тандир усулида)

4) Пицца 45х45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8,4 кВт.

Ёнғинга хавфсиз, қучланиш ўзгаришига мос-лаштирилган (фаза номуаносиблиги).

12 ойлик кафолат.

5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 488 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.

Мусаххих — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6